Куч — адолатда

2011 йил,
14 апрель,
пайшанба
№ 14-15 (321)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАНИМИЗНИНГ КАМОЛОТ ДАВРИ

Ҳадемай Ватанимиз мустақиллигининг йигирманчи йилини нишонлаймиз. Бу давр тарихан қисқа, аммо биз учун моҳиятан асрларга тенг. Зеро, ушбу йиллар бизга ўзлигимиз, шон-шуҳратимиз, миллий қадриятларимизни қайтарди. Ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлдик.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустқиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида таъкидланганидек, тарихан қисқа бир даврда, аввало, эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир.

Дарҳақиқат, дунёнинг энг ривожланган ва тараққий этган илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилган мамлакатимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар жаҳоннинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, кўзга кўринган сиёсатчилари, ҳуқуқшунос ва экспертлари томонидан эътироф этилаётгани бежиз эмас. Бу, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликка эришган илк йилларимизданоқ, ривожланишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлининг тўғри ва оқилона танланганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида фуқароларимизнинг фаровонлиги йил сайин ошиб борди. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлди, барча жабҳаларда асрларга татигулик ютуқларга эришдик.

Озод ва обод юртимизда ислоҳотлар энг аввало, инсон учун, унинг бахт-саодати, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил турмушимизда устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Зотан, Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият дея эътироф этилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Ватанимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Yangi qonun mohiyati

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбек модели"нинг ҳаётимизга татбиқ этилиши натижасида давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Мустақил тараққиёт йилларида демократик янгиланиш ва сиёсий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда эришган муҳим ютуқларимиз ва келгусида бажаришимиз лозим бўлган ишлар, энг асосийси, олдимизда турган энг муҳим вазифалар Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** номли маърузасида белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепциядан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишимизнинг амалдаги ифодаси бўлиб, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганлигидан далолат бериб, мамлакатимиз тараққиёти тарихида ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга — ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тайёрланган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"**ги қонун яқинда Сенатда маъқулланди. Бу қонун Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб тақсимлашга, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишда парламент ваколатларини янада кенгайтиришга, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтиришга, ижроия ҳокимиятнинг масъулиятини янада оширишга қаратилган.

(Давоми учинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш билан бирга судьяларнинг ҳам жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугун судья деганда, ҳар бир кишининг кўз олдида юксак инсоний фазилатларга эга шахс сиймоси гавдаланади.

Anjuman

Илмий-амалий конференция

у «Судьялар этикаси кодекси» лойиҳаси муҳокамасига бағишланди

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ҳамкорлигида «Суд этикаси, судьялар ва суд аппарати ходимларининг меҳнат ва касбий маҳоратини илмий ташкил этиш масалалари» мавзуида ташкил этилган илмий-амалий конференция ана шу масалага бағишланди.

Анжуманни Олий суд раиси Бўритош Мустафоев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган даврида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Жиноят процессуал қонунчилик такомиллаштирилмоқда

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислоҳотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратилгани боис фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг нафақат қонуний асослари яратилди, балки уларни амалда таъмин этувчи идоралар фаолияти ҳам тубдан яхшиланди. Бу жараён замон талабига мос тарзда такомиллаштирилаётгани инсон манфаати, жамият равнақи, мамлакатимизнинг демократия йўлидан янада илдам қадам ташлашида муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Инсонпарварлик ва бағрикенглик

қонунларимизда ўзининг теран ифодасини топган ушбу тамойиллар амалда кутилган самарани бермоқда

Мустақиллик йилларида юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ ушбу тизим буткул янгича маъно-мазмун касб этди. Асосий қонунимизда кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги борасидаги мезонлар босқичма-босқич равишда жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигида ўз ифодасини топаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.



Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар, хусусан, жиноят, жиноят процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар катта ҳаётий аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг қабул қилиниши ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Айтиш керакки, ушбу қонун асосида Жиноят кодексида белгиланган жиноят таркиби бўйича санкциялар енгиллаштирилди, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифаси кенгайтирилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquq va burch

Даъво қаноатлантирилди

чунки у қонуний асосларга эга эди

Маълумки, мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад — чет эл сармояларини жалб этиб, ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш ва шу орқали республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат. Шу маънода хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган корхоналар ҳуқуқий ҳимояси юртимизда қонун йўли билан қатъий кафолатланган.

Аниқроқ қилиб айтганда, амалдаги **«Чет эл инвестициялари тўғрисида»**ги ва **«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»**ги қонунлар, шунингдек, бир қатор меъёрий ҳужжатлар хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига қаратилган. Хориж сармояси иштирокида ташкил этилган қўшма корхона билан тузилган шартнома мажбуриятини бажармаслик, унинг маблағини қайтариб беришдан бош тортиш оқибатида зарар етказилишига қонун йўл бермайди.

«Қибрай Фарғона» МЧЖ билан «Самарқанд-Тола» Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси ўртасида тузилган бир шартнома ва унинг бажарилмаслиги оқибатида келиб чиққан низо ҳам юқоридаги фикримизга мисол бўлади.

Гап шундаки, пудратчи — «Қибрай-Фарғона» масъулияти чекланган жамияти билан буюртмачи «Самарқанд — Тола» Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонаси ўртасида жами 37 миллион 87 минг 307 сўмлик темир йўл йўлакчаси қуриш ишларини амалга ошириш юзасидан шартнома тузилган.

Шартномага асосан, буюртмачи томонидан дастлабки ишларни амалга ошириш учун пудратчи «Қибрай-Фарғона» МЧЖга жами 5 миллион 563 минг 96 сўм миқдорида бўнак тўлови тўланган.

(Давоми иккинчи бетда)

Anjuman

Илмий-амалий конференция

у «Судьялар этикаси кодекси» лойиҳаси муҳокамасига бағишланди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ҳаётда кутилган самарани бериши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, жамиятимизда қонун устуворлиги ва адолат тамойилларининг барқарорлиги, бир сўз билан айтганда, одил судловни амалга ошириш кўп жиҳатдан судьяларнинг билими, тажрибаси, ғайрат-шижоати, халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келган ҳалоллик, холислик каби фазилатларни ҳаёт мезони деб билишига боғлиқ.

Шу маънода судьяларнинг зиммасидаги масъулиятни янада ошириш, ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини таъминлаш мақсадида **«Судьялар этикаси кодекси»** лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳада ҳар бир судья ўз фаолияти давомида қатъий амал қилиши лозим бўлган меъёрлар, халқимиз табиатидан чуқур жой олган одоб-ахлоқ мезонлари тўлиқ қамраб олинган. Жумладан, 5 та боб, 18-моддадан иборат ушбу кодекс лойиҳасида судьянинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ва шахсий ҳаётида риоя этиши шарт бўлган меъёрлар батафсил баён этилиши моҳият-эътибори билан судьялик касбининг ҳаётдаги мақомини янада юксалтиришга,уларнинг зиммасидаги масъулиятни, касбига бўлган садоқатини янада оширишга хизмат қилади.

Анжуманда, шунингдек, вилоят малака ҳайъатларига судьяликка энг муносиб номзодларни танлаш, уларнинг касб бўйича билим ва тасаввурини муттасил равишда ошириб бориш учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилгани, аммо шунга қарамай судьяликка номзодларни танлашдай ўта масъулиятли вазифага баъзан лоқайд муносабатда бўлиш ҳоллари учраётгани қайд этиб ўтилди ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Олий хўжалик суди раиси, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази раҳбари, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари умумюрисдикция судлари раислари ҳамда судьялари, хўжалик суди судьялари, суд аппарати ходимлари ва соҳа фахрийлари иштирок этган семинарда **«Судьялар этикаси кодекси»** лойиҳасининг асосий жиҳатлари ҳамда судьялар этикасининг халқаро қоидалари мавзусидаги маърузалар тингланди. Тадбирда лойиҳа ўрнида ҳамда мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш борасида фикр алмашилди.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Islohot va samara

Инсонпарварлик ва бағрикенглик

қонунларимизда ўзининг теран ифодасини топган ушбу тамойиллар амалда кутилган самарани бермоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, ярашув институти амалга жорий этилди. Жиноят-процессуал кодексига киритилган «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш» ҳақидаги боб ҳуқуқшунослик фани ва қонунчилигимизда мутлақо янги институт бўлди.

Шу ўринда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ярашув институтининг жорий этилиши кейинги тўққиз йил ичида салкам 107 минг нафар кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон берди. Ушбу институтнинг самарадорлиги ҳамда халқимизнинг бағрикенглик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг кўлами изчиллик билан кенгайишига асос бўлаётир. Ҳозирги кунда қонунчилигимизда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти ва туман судларида кўрилаётган ишларга эътибор қаратсак, ярашув институти неча-неча оилада барқарор муҳитнинг сақлаб қолинишига, арзимас сабаблар билан кўни-қўшни, қариндош-уруғ ўртасида келиб чиққан келишмовчиликни ўз вақтида бартараф этишга имкон яратаётганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти ва туман судлари томонидан 2009 йил давомида ярашув туфайли 564 нафар шахсга нисбатан 530 та жиноят иши, 2010 йилда эса 619 нафар шахсга нисбатан 575 та жиноят иши ҳаракатдан тугатилган.

Шу ўринда тасаввур қиладиган бўлсак, агар ярашув институти қонунларимизда жорий этилмаганида, юқорида қайд этилган 619 нафар шахсга, ҳеч шубҳасиз, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо тайинларди. Бундан маҳкум билан бирга унинг оила аъзолари ҳам табиийки, азият чекарди. Ҳозирги кунда ярашув туфайли бундай ҳолатларнинг олди олинмокда.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Олот туманилик Жамшид Ражабов 2009 йил 16 ноябрь куни соат 21:30ларда қўшниси Руслан Бобоқулов билан тортишиб қолади. Спиртли ичимлик истеъмол қилган Жамшид Русланга ташланиб, бир-икки мушт туширади. Бунинг натижасида суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, Р.Бобоқуловга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган шикаст етади.

Жиноят ишлари бўйича Олот тумани суди томонидан Ж.Ражабовга нисбатан қўзғатилган жиноят иши Р.Бобоқуловнинг айбдор ўзидан кечирим сўраганлиги, у билан ярашганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, шу боис унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатмаси ҳамда Ж.Ражабовнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, зарарни қоплаганлиги учун жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб ёзган аризасига, шунингдек, ишга тааллуқли бошқа далилларга асосан ҳаракатдан тугатилди.

Ёки бошқа бир мисолда когонлик Умид Абдуллаев отасининг номида бўлган, ўзи ишончнома асосида бошқараётган «Дамас» русумли машинада Когон тумани Ниёз ҳожи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи йўлдан туман маркази томон кета туриб, «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 3.5-банди (транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши лозим), 12.1-банди (ҳайдовчи ҳаракат серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти, об-ҳаво шароити каби омилларни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмасдан бошқариши лозим) талабларини қўпол равишда бузади. Натижада у машинаси билан велосипедда кетаётган Расул Нурматовни орқа томонидан уриб юборади. Ушбу йўлтранспорт ҳодисаси оқибатида Р.Нурматов ўртача оғирликдаги тан жароҳати олади.

Жиноят ишлари бўйича Когон тумани суди У.Абдуллаевни Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топди. Суд айбланувчининг қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, шунингдек, жабрланувчи Р.Нурматовнинг У.Абдуллаевга етказган зарарини тўлиқ тўлаганлиги, кечирим сўраганлиги муносабати билан унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатмасини инобатга олиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ҳақида ажрим чиқарди.

Албатта, қоидани бузган, қонунга амал қилмаган кимса жазосини олмоғи шарт ва зарур. Бироқ бу ўринда жазодан кўзланган мақсад шахсни йўл қўйган хатосини тузатиш эканини ёдга олсак, ярашув институтининг моҳияти янада теранроқ намоён бўлади. Зотан, киши айбини чин дилдан ҳис қилса, у хатосини такрорламайди. Ярашув институти эса айни шу ўринда қўл келади. Юқорида келтирган мисолларимиздаги Ж.Ражабов йигирма етти, У.Абдуллаев эса эндигина йигирма беш ёшга тўлган. Демак, уларга кўрсатилган бағрикенглик ҳаётда тўғри йўлни топиб олишлари учун берилган катта имкониятдир.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилади. Жиноят қонунчилигининг босқичма-босқич равишда либераллаштирилгани, айбини тушунган, хатосини англаган инсонларнинг тўғри йўлга тушиб олмоғи учун яратилган имконият бунинг амалий ифодаси бўлиб, юқорида келтирилган ҳаётий мисоллар ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг раиси
Отабек САФАРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Iftixor

Озод ва обод Ватанимизнинг камолот даври



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳозирги глобаллашув жараёнида бутун дунё бўйлаб давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида юртимизда эришилаётган улкан ютуқлар, хусусан, халқимиз турмуш даражасининг тобора юксалиб бораётгани, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётгани, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти янада ривожлантирилаётгани жаҳон жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлаётгани қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиши табиий.

Албатта, бу доруломон кунларга осонликча эришганимиз йўқ. Йўлимизда учраган турли тўсиқ ва ғовлар, бизга ғараз кўз билан боқиб, тинчлигимизга рахна солмоқчи, осойишта турмушимизни пароканда қилмоқчи бўлган қора ниятли кучларга қарши сабр-матонат, вазминлик билан кураш олиб борганимиз, танлаган йўлимиздан ортга қайтмаганимиз, халқимиз иродасининг букилмагани қўлга киритган салмоқли натижаларимизнинг асосий омилидир.

Дунёни манфаатлар бошқараётган ҳозирги мураккаб шароитда ҳар биримиз жамиятнинг фаол аъзоси сифатида юртимизга, демакки, бизга бўладиган турли кўринишлардаги хуружларга қарши ҳушёр ва огоҳ туришимиз лозим. Зеро, жонажон Ватанимиз, мустақил диёримиз хавфсизлиги бизнинг хавфсизлигимиздир. Бунинг учун юз бераётган воқеа-ҳодисаларга теран кўз, холис нигоҳ билан баҳо бера олиш, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш учун халқаро миқёсда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доимо хабардор бўлиб боришимиз зарур. Айни пайтда дунёдаги мураккаб вазиятни кузатсак, мустақил давлатларга демократияни экспорт қилиш васвасаси, ҳарбийлаштириш йўлидаги уриниш, антиглобализм, диний экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро терроризм, гиёҳвандлик ва одам савдоси, ахборот хуружи каби ғайриинсоний ғоялар халқаро ҳамжамиятни жиддий ташвишга солаётганига гувоҳ бўламиз.

Энг ёмони, бундай таҳдид ва тажовуз ортида турган қора ниятли кучлар ўз хатти-ҳаракатларини ялтироқ ғоялар, дунёга "демократия"ни ёйиш, жаҳон халқларига "бахт-иқбол", "эркинлик" бериш, "инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш"дек муқаддас тушунчалар ниқобига ўраб олган. Масаланинг яна бир жиҳати, улар жаҳон афкор оммаси тасаввуридан глобаллашув жараёнида дунё халқлари орасидаги тафовут пардаларини сидириб ташлашга уринишмоқда.

Халқимизда пурмаъно бир нақл бор: "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр". Ҳа, атрофимизга боқсак, ҳаётнинг гўзаллигини, дунё ободлигини кўра олмайдиганлар ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз. Айрим манфур кимсаларнинг мақсади қай бир давлатда бўлмасин, ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятдаги бунёдкорлик муҳитини, барпо этилаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора ривожланаётган давлатни тўғри йўлдан қайтаришга қаратилган.

Зеро, янги ҳаётимизнинг йигирма йиллик қисқа тарихида ана шундай ҳолатларга ҳам дуч келдик ва олиб борилган вазмин сиёсат туфайли муаммолар оқилона ечим топди.

Бугун бизнинг халқаро муносабатлардаги фаол ташқи сиёсатимизнинг асоси — Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидир. Ана шу манфаатларни рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай давлат билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва тинчликпарвар ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кучайтириш пировард мақсадимиздир.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида доимо тинчлик тарафдори бўлиб келган ва турли хил низоларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида қатор эътиборга молик ташаббусларни дунёнинг нуфузли манбарларидан туриб эълон қилган. Ана шу тинчликпарвар сиёсат бундан буён ҳам изчил давом этаверади. Зеро, осойишта ва осуда элга байрамлар ярашади. Юртимиздаги ана шундай барқарор тинчлик, бунёдкорлик, яратиш ва яшнатиш завқи боис кўнглимизга байрамлар сиғади.

Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"**ги қарори ҳам миллий истиқлолимизнинг навқирон санасини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан қарши олишимизда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ва халқаро жамоатчиликка етказиш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш эътибор марказида бўлиши мақсадга мувофиқ экани алоҳида қайд этилди.

"Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида республикамизнинг барча кенту қишлоқларида нишонланажак байрам тантаналарининг юқори савияда ташкил этилиши учун ушбу қарор муҳим дастуриламал бўлади. Унда кўзда тутилган ниҳоятда катта ва улкан қамровли тадбирларни кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда ўтказиш мустақилликнинг нақадар улуғ иньом эканлигини яна бир бор кўз ўнгимизда намоён қилиши табиий.

Бинобарин, биз учун жонажон Ватанимизнинг миллий манфаатлари ҳар нарсадан устун экан, бу йўлда бир ёқадан бош чиқариб, ҳамфикр ва ҳамжиҳатликда изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширсак, кўзлаган дастурий ва стратегик мақсадларимизга, албатта, эришамиз. Янги ютуқ ва муваффақиятларимиз эса мустақиллигимизнинг йигирма йиллик тўйига муносиб тўёна бўлади.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Huquq va burch

Даъво қаноатлантирилди

чунки у қонуний асосларга эга эди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бироқ масъулияти чекланган жамият бўнак пулини олган бўлса-да, қўшма корхона учун темир йўл йўлакчаси қурилишини бошламаган. 2010 йилнинг 20 мартигача бўнак тўлови — 5 миллион 563 минг 96 сўмни буюртмачига қайтариш чораларини кўрмасдан муддати ўтган дебитор қарздорликни юзага келтирган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 324-моддасида қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шартлиги, 327-моддасида эса бошқа шахсларнинг пул маблағларини қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш натижасида фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши, фоиз миқдори кредитор жойлашган жойдаги банк фоизи ставкаси билан белгиланиши кўрсатилган.

Шундай қилиб, МЧЖ томонидан «Самарқанд-Тола» қўшма корхонасига шартнома мажбурияти бажарилмаслиги оқибатида 5 миллион 563 минг 96 сўм асосий қарз ва 1 миллион 691 минг 820 сўм зарар етказилган.



Вилоят адлия бошқармаси шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибатида вужудга келган асосий қарз ҳамда етказилган зарарни жавобгардан даъвогар фойдасига ундириш тўғрисида Тошкент вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд даъво талабини қаноатлантириб, ҳал қилув қарори чиқарди.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, юртимизда иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшишга қаратилган хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимояси қонун йўли билан кафолатланган. Бир сўз билан айтганда, қўшма корхоналар билан тузилган шартнома мажбуриятини бажармаслик, маблағини қайтариб беришдан бош тортиш қонуний жавобгарликни келтириб чиқаради. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Шарофиддин МУСАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Jinoyat va jazo

Эгри йўлнинг

Ҳар бир мамлакат тараққиётида нафақат ички имкониятлардан кенг фойдаланиш, балки халқаро алоқаларни ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутади. Ўз навбатида мамлакатга импорт товарларнинг қатъий қонун-қоида асосида кириб келишини йўлга қўйиш иқтисодий хавфсизликни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган.

Жумладан, Жиноят кодексининг 182-моддасида **"Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса: энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади"**, дея қайд этилган.

Биз бу иқтибосни бежиз келтирмадик. Чунки ҳаётда божхона масканларини турли яширин йўллар орқали айланиб ўтишга уринаётган кимсалар ҳам учраб туради.

ХХХ

Чўлпон Ниятова 1970 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Уч нафар фарзанднинг онаси. У муқаддам Жиноят кодексининг 257-моддаси 2-қисми "б" банди ва 259-моддаси 2-қисми "б" банди билан судланиб, тегишли жазога тортилган.

Одатда, қилмишига яраша жазо олган киши бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олади. Яъни иккинчи марта қонунни бузмасликка, эгри йўлга қадам қўймасликка ҳаракат қилади. Ч.Ниятова эса атрофига ўзига ўхшаб осон пул топиш илинжида юрган кимсалар: Фарҳод Кўчаров, Равшан Халилов, Нормурод Абдуҳакимов, Саттор Мамарасулов ва Шаҳбоз Рашидовни тўплади.

Уюшган жиноий гуруҳ Ч.Ниятованинг "режа"сига асосан Тошкент шаҳри бозорларидан ва Тошкент вилояти ҳудудидан қўшни юртга ўтказиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш, тайёрлаш, жўнатишга тайёрланган маҳсулотларни ташиш учун автомашиналар топиш ҳамда юкларни Сирдарё вилоятига етказиш вазифаларини ўзаро тақсимлаб олишади. Натижада жиноий гуруҳ аъзолари бир неча марта товар-моддий бойликларини республикамиз ҳудудидан қонунга хилоф равишда қўшни юртга олиб чиқишган.

Халқимизда "Кўза кунда эмас, кунида синади", деган нақл бор. Ниҳоят, ушбу жиноий гуруҳнинг ҳам қилмишлари фош этилди. Келинг, шу ўринда жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг ҳукмидан қисқагина кўчирма келтириб ўтайлик: "2010 йилнинг 22 январь куни судланувчи Ч.Ниятова умумий қиймати 19.068.800 сўмлик 4.140 кг бодринг, 3.864 кг анор, 2.114 кг помидор, 160 кг лимон маҳсулотларини, судланувчи Р.Халилов ва бошқалар эса умумий қиймати 15.764.300 сўмлик 1.825 кг бодринг, 225 кг анор, 1.624 кг помидор, 90 кг майиз, 340 кг ер ёнғоқ, 468 кг карам, 820 кг ўрик туршаги, 120 кг гулкарам ҳамда 775 кг кўкат маҳсулотларини харид қилиб, уларни Қозоғистон Республикасига жўнатиш учун тайёрлаган. Сўнг Ф.Кўчаров, Р.Халилов ва бошқалар ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Н.Абдуҳакимов бошқарувидаги "ЗИЛ-130Г" русумли, С.Мамарасулов бошқарувидаги "УАЗ-425Д" русумли, Ш.Рашидов бошқарувидаги "ЗИЛ-130" русумли автомашиналарга юклаб, Сирдарё вилояти ҳудудига олиб келиб, 2010 йил 23 январь куни уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари билан бирга Сирдарё туманидаги айланма йўл орқали божхона назоратини четлаб, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан Қозоғистон Республикасига ўтказишмоқчи бўлишганда, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан Сирдарё тумани "Малик" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида ушланган.

Баҳолаш комиссиясининг 2010 йил 23 январдаги 3-, 4- ва 5-далолатномаларига кўра, тақдим этилган товарларнинг умумий қиймати 34.833.100 сўмни, яъни жуда кўп миқдорни ташкил этади...".

Албатта, юқорида исм-шарифлари келтирилган қонунбузарларга тегишлича жазо тайинланди. Шунинг баробарида, суд ҳукмига кўра, иш бўйича далилий ашё сифатида олиниб, Мирзаобод туманидаги "Дони" божхона омборида сақланаётган 34.833.100 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва 14.500.000 сўмга баҳоланган "ЗИЛ-130", 18.500.000 сўмга баҳоланган "ЗИЛ-130Г", 4.300.000 сўмга баҳоланган "УАЗ-425Д" русумли автомашиналар давлат эгалигига ўтказилди.

ХХХ

Ҳаётда қонунга қатъий риоя этган, фаолиятини белгиланган тартиб-қоидалар асосида йўлга қўйган киши асло адашмайди. Аммо орамизда адолатни мезон деб билмайдиганлар ҳам борки, улар қонунга зид қилмишининг жабрини охир-оқибат тортмай қолмайди.

Yangi qonun mohiyati

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Биринчидан, Конституциямизнинг 78–моддаси 15-бандига киритилаётган янги меъёр мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари доирасига киритилишини таъминлайди. Бу қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос усулини жорий қилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис олдида жавобгарлигини мустаҳкамловчи механизм ролини бажариш жараёнида муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ушбу ўзгартишларга мувофиқ, Олий Мажлис палаталарига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқи берилади. Бу ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назорати имкониятларини янада кенгайтиради. Депутатларнинг, фракцияларнинг долзарб социал-иқтисодий масалалар ҳал этилишида ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Иккинчидан, Ҳисоб палатаси раисининг тайинланиши ва лавозимидан бўшатилиши ҳақидаги Президент фармонларининг Сенат томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши Конституциямизнинг 80-моддаси 6-банди ва 93-моддаси 12-бандига киритилмоқда. Бу парламент учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки Ҳисоб палатаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан оқилона фойдаланишни молиявий назорат қилишнинг ғоят муҳим воситаси ҳисобланади. Парламент Ҳисоб палатаси раисини тасдиқлаши орқали ушбу фаолиятнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини янада оширишга, шу билан Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш каби қўшимча ваколатга эга бўлади.

Учинчидан, Конституциямизнинг 93–моддасига киритилаётган қўшимчага биноан Бош вазирга вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлаш учун Президентга тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилди. Маълумки, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими ўз лавозимлари бўйича жойларда ижроия ҳокимиятни ҳам бошқарадилар ва ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш бўйича масъулият ҳам биринчи навбатда уларнинг зиммасига тушади. Конституциямизга биноан Вазирлар Маҳкамаси, хусусан, Бош вазир зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқадиган бўлсак, юқоридаги ҳуқуқнинг Бош вазирга берилиши юридик жиҳатдан тўғри ва ҳокимиятлар бўлиниши принципига тўлиқ мос келади. Энг асосийси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳукумат ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди ва ижроия ҳокимиятнинг иш самарасини оширади. Шу билан бирга, бу Бош вазирнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича масъулиятини янада кучайтириб, кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишдаги ролини оширади.

Тўртинчидан, Конституциямизнинг Вазирлар Маҳкамасининг юқори ижро этувчи ҳокимият органи сифатидаги ҳолатини белгилаб берувчи 98-моддасига киритилаётган ўзгаришлар мазмун-моҳиятига кўра Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик тартибини жорий қилишга қаратилган.

Эндиликда Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан Президентга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қонунчилик ташаббуси мазмун-моҳиятига кўра, мустақил давлатимизни демократик ривожлантиришдаги, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги янги босқичнинг бошланиши бўлиб, фуқаролик жамиятининг институтларидан бири бўлган сиёсий партиялар ролининг янада оширилишини таъминлайди. Чунки Бош вазир номзодини кўрсатиш учун илгари қанча депутатлик ўрнини эгаллаганлигидан қатъий назар, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги ҳамма фракциялари билан маслаҳатлашув ўтказилар эди. Яъни кўп депутатлик ўрнига эга бўлган фракция ҳам, кам депутатлик ўрнига эга бўлган фракция ҳам бу масалада бир хил ҳуқуқ ва имкониятга эга эди. Эндиликда эса бу масалада кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партияга ҳуқуқ берилмоқда. Бу, биринчи навбатда, сиёсий партияларни янада фаоллик кўрсатишга, сайловларга жиддий тайёргарлик кўришга, кўпроқ депутатлар ўрнини олиш учун ҳаракат қилишга ундайди.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда сиёсий партияларнинг парламент фаолиятидаги иштироки қанчалик муҳим бўлмасин, уларнинг асосий вазифаси ҳокимиятни эгаллаш, ҳукуматни шакллантиришда иштирок этиш ва унинг фаолиятига ўз таъсирини ўтказишдан иборат. Бинобарин, сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, уларнинг давлат механизми билан ўзаро муносабатлари, аввало, партиянинг ҳукумат билан бўладиган муносабатларида яққол намоён бўлади. Шу боис ҳам кўпчилик ривожланган демократик давлатларда, мисол учун Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Португалия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатларнинг бошқарув шакли хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳукумат тўлиғича ёки унинг бир қисми сиёсий партиялар томонидан шакллантирилади.

Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, кўпгина ривожланган давлатларда Бош вазир номзодини ким тақдим қилиши аниқ белгилаб қўйилмаган бўлиб, Президент томонидан лавозимга тайинланиши қайд этилган. Масалан, Францияда Президент Бош вазирни ва унинг таклифига биноан вазирларни ўзи тайинлайди. Буюк Британияда давлат раҳбари сайлов натижаларига кўра, қуйи палатада мутлақ кўпчилик ўринга эга бўлган сиёсий партия лидерини ҳукумат раҳбари этиб тайинлайди. Португалияда эса давлат Конституциясининг 190-моддасига мувофиқ, Президент томонидан республика Ассамблеясидаги сиёсий партиялар билан маслаҳатлашувлар ўтказгандан сўнг ҳамда сайлов натижаларини ҳисобга олган ҳолда Бош вазир тайинланади. Австрия, Италия, Чехия ва Хорватияда эса Бош вазир Президент томонидан тайинланиши белгилаб қўйилган. Германияда Федерал канцлер Федерал Президентнинг таклифига кўра, Бундестаг томонидан сайланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, айрим хорижий давлатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олганда Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш институти биринчи маротаба жорий этилмоқда. Қайд этиш керакки, бу янгилик халқаро амалиётга мос келиши билан бирга, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Яъни ишончсизлик вотуми бутун ҳукуматга нисбатан эмас, балки фақат Бош вазирга нисбатан билдирилиши мумкин. Иккинчидан, ишончсизлик вотуми Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олсагина билдирилади. Учинчидан, вотум сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ёки депутатлик гуруҳлари томонидан эмас, балки Қонунчилик палатаси депутатларининг камида учдан бир қисми томонидан кўтарилиши мумкин. Бу эса ишончсизлик вотумини билдиришда турли тушунмовчиликлар пайдо бўлишининг олдини олишга хизмат қилади. Тўртинчидан, бу масала депутатлар томонидан Президентга кўриб чиқиш учун таклиф этилиши керак. Президент эса бу таклифни Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилиши муҳокамасига киритади. Чунки Конституциямиз талабига кўра Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. Вазирлар Маҳкамаси эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида ҳам жавобгар ҳисобланади.

Парламент томонидан Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти бир қатор ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам қўлланилади. Жумладан, Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг 67-моддасига мувофиқ Бундестаг (парламентнинг қуйи палатаси) ўз аъзоларининг кўпчилик овози билан амалдаги Федерал Канцлерга ишончсизлик вотуми билдириши ва янги Федерал Канцлерни сайлаши мумкин (конструктив ишончсизлик вотуми). Бундай ҳолатда Бундестаг Федерал Президентга мурожаат қилиб, ишончсизлик вотуми билдирилган Федерал Канцлерни ўз лавозимидан озод қилишни сўрайди ва Федерал Президент ушбу илтимосни қаноатлантиради ва янги сайланган шахсни Федерал Канцлер этиб тайинлайди.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Бу қоида Президентнинг давлат ҳокимияти органларининг келишган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ваколатидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти шундаки, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш, уни тасдиқлаш ва муддатидан аввал лавозимидан озод этишнинг янада демократик принципларини ўзида ифодалайдиган янги конституциявий тартиб ўрнатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, демократик ислоҳотлар аниқ мақсадга қаратилган ҳолда ва босқичма-босқич ўтказилаётганлиги, жамият ҳаётининг барча соҳалари эркинлаштирилаётганлиги бундай ўзгариш ва қўшимчалар киритиш имконини берди. Зеро, мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йилларида ташкил этилган демократик институтлар, кўп партиявийлик тизими мустаҳкамланганлиги, жамиятни эркинлаштириш жараёнлари изчил ривожланиб бораётганлиги, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги ўсганлиги Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да қўйилган мақсадларни рўёбга чиқариш учун пухта заминдир.

Абдураҳим ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Xabar

Жиноят процессуал қонунчилик такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Олий судда жиноят процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, судьялар, олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Тўхташев ва бошқалар суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, уни инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза

этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилгани амалда ўз самараларини бераётганини таъкидладилар.

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида **"Судлар тўғрисида"**ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди.

Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари янада кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни таъминлаш бўйича кенг қўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди. Бу жараёнда жиноят-процессуал қонунчиликка ўзгартишлар киритилгани натижасида тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** номли маърузасида жиноят процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, соҳа ходимлари зарур чора-тадбирларни амалга ошираётир. Жумладан, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принцип ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

Биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган меъёр ўрнатиш суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади. Суднинг жиноят иши кўзғатишга доир ваколатини чиқариш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки жиноят ишини кўзғатиш аввало, суриштирув ва дастлабки тергов идоралари, жиноий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади.

Давра суҳбатида жиноят процессуал қонунчиликни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, қилиниши зарур бўлган чора-тадбирлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА

Газетхон савол беради...

Muloqot

— Айтинг-чи, қандай ҳолларда фақат бир кишининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш мумкин?

Ж.БЕКОВ,
Нуробод тумани

— Қуйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш мумкин:
- Агар эр-хотиндан бири:
- суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;
- содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра, улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

— Айтинг-чи, янги туғилган болаларни фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга таътил бериладими?

Н.СОБИРОВ,
Ромитан тумани

— Меҳнат кодексининг 235-моддасига кўра, янги туғилган болаларни бевосита туғуруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса, етмиш календарь кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланган ҳолда таътил берилади ва улар, хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун қўшимча таътил олиши мумкин.

Саволларга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

охири

Зотан, киши ҳар бир ишни аввал фикр торозисида ўлчаб, тўғри эканига амин бўлгач, унга киришиши лозим. Ахир, одамзодга тафаккур, ақл бежиз берилмаган?! Шу маънода нафс қутқусига учиб, жиноий қилмишга қўл урган, сўнг сири фош бўлгач, "билмай қолдим, мени алдашди" дея важкарсон тўқийдиган кимсани оқлаб бўладими?!

Зокир Нуруллаев 1984 йилда Самарқанд вилоятида таваллуд топган. Судлангунга қадар ҳайдовчи бўлиб ишларди. Тўғриси, унинг топиш-тутиши чакки эмас эди. Ўша куни, аниқроғи, 2010 йилнинг 24 март куни у Самарқанд шаҳридан "КамАЗ" русумли юк машинаси тиркамасидаги 25 тонна юкни Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги харидорларга олиб келиб топширди. Кейин шериги Хуршид Иброҳимов билан "Отчопар" бозори ёнида жойлашган юк автомобиллари тўхташ жойида мижоз кута бошлади. Аксига олиб, мижоз ҳам дарров чиқавермади. Ана шундай паллада, ҳамкишлоғи, худди ўзига ўхшаб "КамАЗ" юк машинасида ҳайдовчилик қилиб юрадиган Илҳом Акбаров қўнғироқ қилиб, Сирдарё вилоятида Самарқанд шаҳрига олиб кетиладиган юк борлигини хабар қилди. Буюртма чиққанидан суюнган З.Нуриллаев дарров юкнинг эгасига қўнғироқ қилди. Ўзини "Акмал", деб таништирган юк эгаси Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳудудида тахта, озиқ-овқат каби юклари борлигини, ҳайдовчиларни Сирдарёда шериклари кутиб олиб, юкларни ортишини, хизмат ҳақи учун 700 минг сўм беришини айтди. Мўмай даромаднинг дарагини эшитган З.Нуриллаев ва Х.Иброҳимов шу заҳотиёқ "қайдасан, Сирдарё", деб йўлга тушишди...

Биз ҳикоямиз қаҳрамонларининг юкни қаердан ва қачон ортганини ҳикоя қилиш билан ўқувчининг вақтини олишдан ўзимизни тиямизда, яна жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг ушбу иш бўйича чиқарган ҳукмидан кўчирма келтириш билан чекланамиз: "Иш бўйича далилий ашё сифатида олинган ва Гулистон шаҳрида жойлашган "Ижод" ИЧТФ омборхонасига 2010 йил 26 март куни №365-сонли счёт фактура орқали топширилган ва шу омборхонада сақланаётган жами нархи 55.020.000 сўмлик жами 13.755 кг музлатилган товуқ оёқлари ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

...шу омборда сақланаётган жами нархи 100.000 сўмлик 5 турдаги 10 кг озуқавий қўшимча, жами нархи 17.560.000 сўмлик 8 турдаги оёқ кийимлари ҳамда жами нархи 4.090.000 сўмлик жами 7,2 метр куб миқдордаги тахталар, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Иш бўйича жиноят қуроли сифатида олинган ва Гулистон шаҳрида жойлашган "Ижод" ИЧТФ омборхонасига 2010 йил 26 март кунги №365/1 сонли счёт фактура орқали топширилган баҳоси 22.500.000 сўм бўлган "КамАЗ-5410" русумли юк машинаси ҳамда баҳоси 8.400.000 сўм бўлган "Одаз-9370" русумли ярим тиркама ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг давлат фойдасига мусодара қилинсин".

Шу ўринда озгина чекиниш қилсак. Хўш, Самарқанддан З.Нуруллаевга қўнғироқ қилиб, уни буюртмачи билан телефон орқали таништирган И.Акбаров ким ўзи? Юқорида айтилганидек, у ҳам ҳайдовчи. И.Акбаровнинг судда кўрсатма беришича, у 2010 йилнинг 24 март куни Самарқанд шаҳридан чиқавершда жойлашган юк машиналари тўхташ жойида буюртмачи кутиб ўтирган пайтда қирқ ёшлардаги нотаниш одам келиб, ўзини "Акмал", деб таништиради ва "бугун Тошкентдан қайтадиган шерикларингиз борми, Сирдарёда юк бор эди?" — деб сўрайди. Шундан сўнг И.Акбаров З.Нуруллаевга қўнғироқ қилиб, уни Акмал билан таништириб қўяди.

Кейин Акмалнинг шериклари З.Нуруллаев бошқарувидаги юк машинасига юқорида санаб ўтилган, қўшни юртдан мамлакатимизга ноқонуний тарзда ўтказилган товар-моддий бойликларини юклайди ва ҳайдовчининг қўлига сохта божхона ҳужжатларини тутқазиб, ўзлари ғойиб бўлишади.

Ҳайдовчилар эса бу ҳужжатларнинг ҳақиқий ёки сохта эканини сўраб-суриштирмай, қўлларига кирадиган пулнинг ҳавосида йўлга тушишади. Улар бошқараётган машиналар Сирдарё вилояти Оқолтин туманига киришдаги постда ЙПХ ва божхона хизмати ходимлари томонидан текширилганда, ҳужжатларнинг сохталиги фош бўлади. Бу орада бир неча марта яширин рақамли қўл телефонидан ҳайдовчиларга қўнғироқ қилган Акмал ҳам қумга тушган томчидек изсиз ғойиб бўлади.

Мана сизга "синалмаган отнинг сиртидан ўтиш"нинг аччиқ оқибати!

Лекин юқорида айтиб ўтганимиздек, қонунни билмасдан бузиш, ўзганинг гапига лаққа тушиб, жиноятга қўл уриш фуқарони жазодан озод этмайди. Шунинг учун ҳам ҳайдовчилар З.Нуруллаев ва Х.Иброҳимов Жиноят кодексининг 28, 182- моддаси 2- қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ҳа, ўйламай босилган қадам, мулоҳаза қилинмай қабул қилинган қарор кишини тўғри йўлдан адаштириб қўйиши ҳеч гап эмас. Бу эса кишидан ўзи қилаётган ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишни, фаолиятини қонун доирасидагина йўлга қўйишни, қолаверса, мулоҳаза қилиб, оқ билан қорани бир-биридан ажратишни талаб этади. Йўқса, ўйламай босилган қадамнинг оқибати аччиқ бўлади!

Марат АБДУЖАББОРОВ,
жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси
Сардор ҲАМРОЕВ

Giyohvandlik — asr vabosi

Тинчлик-осойишталик — энг улуғ неъмат

унга рахна солувчи иллатларга асло эътиборсиз бўлмайлик

«Бу ҳаётда одам боласи учун хотиржамлик ва саломатликдан катта бойлик йўқ», деган экан донишмандлардан бири. Дарҳақиқат, ушбу неъматларнинг мазмун-моҳияти жуда кенг, инсон ҳаётидаги ўрни эса беиҳоя каттадир.

Гиёҳвандлик иллати инсонни ана шу неъматларнинг иккисидан ҳам бирданига жудо қилиши билан хавфлидир. Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги 21-сонли қарорида таъкидланганидек, **«Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, республикадаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади, кўпинча у уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади»**,

(Давоми тўртинчи бетда)

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди.

* * *

Тажриба — қиммат-ли мактаб.

* * *

Касалликдан қутулишни астойдил истаган инсон, албатта, мақсадига эришади.

* * *

Истакларини енга олганлар қатъий иродали инсонлардир.

* * *

Инсон табиати аслида олий фазилатлар мажмуасидир.

* * *

Юрагида қўри бор одамнинг қўллари ҳам тафтли бўлади.

* * *

Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил.

* * *

Ҳаммавақт бошқа одамлардан ёмон жиҳатларни эмас, яхши жиҳатларни қидир.

* * *

Эзгулик адолатсизлик қилмасликкина эмас, уни истамаслик ҳамдир.

* * *

Бахт, энг аввало, соғлиқ демакдир.

Huquqiy ma`rifat

Оила осойишталигининг ҳуқуқий асоси

Маълумки, эртанги куни учун қайғурадиган ҳар бир жамият, аввало, оила ва никоҳга алоҳида эътибор билан қарайди. Чунки оила мустаҳкам, унинг аъзолари ўзаро аҳил-иноқ бўлса, шунга монанд равишда жамиятнинг ҳам барқарорлиги таъминланади. Шу маънода халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган инсонпарвар ҳуқуқий-демократик давлат, эркин ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган юртимизда мустақилликнинг ўтган даврида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Аввало Конституциямизда оила жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатлаб қўйилди. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши белгиланди. Шунингдек, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади, деган тамойил ҳам қонунчилигимизда ўз ифодасини топди. Зеро, жамият юртимиздаги беқиёс ўзгаришлар, янгиланишлар жараёнига ақл-заковати, бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳияти билан муносиб ҳисса қўшаётган, меҳнатсевар, билимдон, иқтидорли фарзандларни камолга етказаётган баҳамжиҳат, аҳил оилалардан манфаатдордир.

Ана шундай аҳил-иноқ, юксак маънавий қадриятлар ўзининг теран ифодасини топган оилаларнинг шаклланишида, аввало, қонуний никоҳ алоҳида ўрин тутади.

Айтиш керакки, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларида тузилади. Никоҳ тузиш никоҳланувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларига ариза бергач, бир ой ўтгандан сўнг икки ёшнинг шахсан иштирокида амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда, масалан, ҳомиладорлик, бола туғилиши, касаллик ва бошқа шу сингари вазиятларда никоҳ ариза берилган куни ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш ихтиёрий ҳисобланади. Бунинг учун бўлажак эр-хотин ўз розиликларини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш қонун йўли билан тақиқланади. Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн етти ёш қилиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтади. Тиббий кўрикдан ўтиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган. Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўз розиликлари билан ўтказилади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларида никоҳ рўйхатга олинган пайтдан бошлаб улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланади. Шу билан бирга улар тенг мажбуриятларга ҳам эга бўлишади. Никоҳ тузилаётган вақтда эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди. Ёки уларнинг ҳар бири ўзининг никоҳгача бўлган фамилиясини сақлаб қолади.

Болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қилади. Уларнинг ҳар бири бажарадиган машғулот тури, касб ва истиқомат жойини танлашда эркин саналади. Эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулки, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак жуфтликнинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулки, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Улар биргаликдаги умумий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда ҳам тенг ҳуқуқларга эга саналади.

Ш.ЗОҲИДОВА,
ҳуқуқшунос

Халқимиз азалдан болаларни ардоқлаб келади. Тўғри, дунёда жигаргўшасини ардоқламайдиган миллат йўқ. Лекин халқимиз учун фарзанддан бебаҳо, қадрли бойлик йўқ. Зотан, бундай эътибор замирида катта ҳаётий ҳақиқат мужассам. Негаки, ёш авлод оиланинг ҳам, Ватаннинг ҳам эртаси, жамиятимизнинг ҳаётбахш кучидир.

Mulohaza

Жамиятнинг ҳаётбахш кучи

Мустақиллик йилларида бола ҳуқуқларининг ҳимоясига қаратилган муҳим қонунлар қабул қилиниб, амалда татбиқ этилди. Жумладан, 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонун болаларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг энг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири бўлди. Ушбу қонунда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида белгиланган асосий талаблар мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, мазкур қонун бола манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари Асосий қонунимизда ҳам оналик ва болалик муҳофазаси, никоҳ тузиш шартлари, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги мажбуриятлари, фарзандларнинг ота-оналар олдидаги вазифалари, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нотариал идораларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, ҳадя қилинган мерос, мол-мулк каби масалалар юзасидан иш кўрилаётганда нотариуслар боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам эътиборга олади. Келажакда болалар манфаатларининг кафолати учун тегишли қонун ҳужжатлари асосида иш юритади. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялабгина қолмай, инсон ҳуқуқлари нечоғли қадрланаётганлигидан ҳам далолат беради.



Дарҳақиқат, бола ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш — давлат ва жамиятимизнинг энг эзгу мақсадларидан бири саналади. Шу маънода мамлакатимизда болалар манфаатини муҳофаза қилиш йўлида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ишлар, шунингдек, қонунчилигимизда белгиланган имтиёз ҳамда кафолатлар ёш авлоднинг жамиятимизда муносиб ўрнини топишига кўмаклашиши шубҳасиз.

Шаҳноза ТЎЙЧИЕВА,
Қибрай тумани 1-сонли давлат нотариал нотариуси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Айтиш ўринлики, гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммолар биргина мамлакатимизнинг эмас, балки бутун дунёга рахна солаётган жиддий хавфлардан бири саналади.

Шу боис халқаро ташкилотлар томонидан бу иллатга қарши якдиллик билан курашишни таъминлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бундай ҳужжатлар мамлакатимиз томонидан ҳам ратификация этилган. **«Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида»**ги қонун мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, гиёҳвандликнинг олдини олишда мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Гиёҳвандлик иллати ва у билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳам ўрни катта. Хусусан, бу борада жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказаётгани, гиёҳвандликка оид жиноят ишларини кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда сайёр суд мажлисларида кўраётгани, жиноятнинг сабаб ва омилларини аниқлаб, тегишли давлат идораси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмалари, идоралар ва бошқа мансабдор шахсларга хусусий ажримлар тақдим этаётгани муҳим аҳамиятга касб этаётир. Зотан, жамият барқарорлигига хавф соладиган гиёҳвандлик иллатини бартараф этишда якдиллик, ҳамкорлик юқори самара беради.

Шу ўринда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Учқўрғон тумани суди томонидан 2010 йилда 20 нафар шахсга нисбатан 18 та шу тоифадаги жиноят иши кўриб чиқилган. Бунда Жиноят кодексининг 270-моддаси, яъни таъқиқланган экинларни етиштирганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган 7 нафар шахсга оид жиноят ишлари юзасидан 398 туп кўкнори ўсимлиги ашёвий далил сифатида олиниб, суд қарорлари қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинган. Жиноят кодексининг 276-моддаси, яъни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш жиноятини содир этгани учун жавобгарликка тортилган 2 нафар шахсга оид жиноят ишлари юзасидан 152,9 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси, Жиноят кодексининг 273-моддаси билан, яъни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган 11 нафар шахсга оид жиноят ишлари юзасидан 61,73 грамм героин, 254,27 грамм гашиш ва 367,94 грамм марихуана гиёҳвандлик воситалари ашёвий далил сифатида олиниб, суд қарорлари қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилинган.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратсак, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри «Нурли йўл» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Б.Зокиров номидаги кўчада яшовчи Абдуғани Низомиддинов 2010 йилнинг апрель ойида қўшни давлат билан чегарадош ҳудудда дастлабки тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган чет эл фуқароси билан танишиб, ундан олган 126,27 грамм героин гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотган.

Giyohvandlik — asr vabosi

Тинчлик-осойишталик — энг улуғ неъмат



Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, А.Низомиддинов навбатдаги «харидор»ни излаётган чоғида қўлга олинди. Аниқроғи, у 2010 йилнинг 2 июнь куни соат 16 ларда Наманган вилоятининг Учқўрғон тумани Янгиобод қишлоғида яшовчи таниши А.Ризоқуловнинг уйига келиб, унга 30 грамм гиёҳвандлик воситасининг ҳар граммини 30 минг сўмдан сотаётган вақтда ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан қўлга олинди. Тезкор ҳаракатлар натижасида бу А.Ризоқуловнинг биринчи «хариди» эмаслиги, у ҳар гал А.Низомиддиновдан сотиб олган героин гиёҳвандлик воситасининг бир қисмини Норин туманида яшовчи М.Ҳамидова сотганлиги, қолганини эса ўзи истеъмол қилгани аниқланди.

Суд ҳукми билан А.Ризоқулов, М.Ҳамидов ва А.Низомиддиновга тегишли муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, ушбу жиноятчиларнинг қилмишидан хабардор бўлса-да, лоқайдлик билан бу ҳақда ҳеч кимга, хусусан, тегишли давлат идораларига хабар бермаган Учқўрғон тумани Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи И.Хўжаев ҳам жиноий жавобгарликка тортилди. Унинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо берган суд барча ҳолатларни чуқур ўрганиб, Ибрагим Хўжаевни Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон дея аталган обод ва озод Ватаннинг тинчлиги, осойишталиги барчамиз учун бирдай азиз ва қадрлидир. Шу маънода уни кўз қорачиғидай асраш, халқимизнинг хотиржам ҳаётига рахна солувчи ҳар қандай иллатга қарши ҳамжиҳатлик билан курашиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз эканини унутмайлик.

Алишер ДАДАХОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Учқўрғон тумани судининг раиси

Қуйида баён этилаётган воқеа ҳаётда онда-сонда учраб турса-да, инсон қадр-қиммати, ҳаммани тенг кўриш, ўзига истамаганни бировга ҳам тиламаслик каби хислатларнинг нақадар олижаноб фазилат эканини исботлагани учун ҳам эътиборни тортади.

Saboq

Андишасизлик

Косон туманининг бир томони дашту-далаларга туташиб кетган «Чироқчи» фермерлар уюшмаси ҳудудида яшайдиган Т.Тожиев, С. Шапсатов, Э. Холиёров, Г. Эрназаров, ва Т. Жуманазаров олдиндан тил бириктириб, «Азизбек-Худоёрбек» деҳқон, озиқ-овқат бозори раиси А. Қурбоновнинг хизмат хонасида М. Худойбердиевга «агар бизга 50 миллион сўм берсанг, устингдан ёзишни тўхтамиз ва даъвомиздан воз кечамиз,» дея таҳдид қилишади. Улар бу хатти-ҳаракатлари билан М. Худойбердиевни ўзига тегишли бўлган мулкини беришга мажбур қиладиган ноқулай шароитга солиб қўйишади ва талаб қилинган пулнинг 20 миллион сўмини санаб олаётган вақтда тегишли идора ходимлари томонидан қўлга олинади.

Аслида, М. Худойбердиев Косон туманидаги «Фаровон» фермерлар уюшмаси раиси вазифасида фаолият юритиб келаётган, юқорида номлари зикр этилган кимсалар унинг устидан турли хил бўҳтон гапларни юқори ташкилотларга бир неча марта ёзишган, аммо уларнинг важлари ўтказилган текширишлар давомида тасдиғини топмаган эди. Шунга қарамай улар ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини тўхтатай дейишмасди. Ноилож қолган М. Худойбердиев улар билан ярашишни таклиф қилганида, «айби бўлмаса, ярашишни таклиф қилмасди», деб ўйлашган шикоятчилар ундан катта миқдорда пул талаб қилади.

«Ўйламай босдим тиканни, тортадирман жабрини», деганларидек, суд жараёнида судланувчилар айбларига иқрорлик билдириб, пушаймон бўлишса ҳам, одил суд адолатли қонунларимизга таяниб, уларга жиноятларига яраша жазо тайинлади.

Ўйлаб қоласан киши. Ахир, инсон ҳаётда ғурури, андишаси билан азиз эмасми?! Виждонли киши «Ўзингга тиламаганни ўзгага ҳам истама», деган мезонга амал қилмайдими? Юқорида қилмишлари баён этилган кимсалар эса сурбетлик билан бировнинг мол-мулкини тортиб олишдан уялишмади! Уларнинг қосир ақли пешона тери тўкиб топилган ризқнинг қанчалик роҳатбахш эканига етмади. Албатта, бировга зуғум қилган кимсанинг қилмишлари изсиз кетмайди, қолаверса, қонун устуворлиги таъминланган мамлакатимизда фуқаронинг ҳаётига, молу мулкига қилинган ҳар қандай тажовуз жазосиз қолмайди. Бу ҳақиқатни англаб етмаслик, ўзининг чиркин манфаати учун бировнинг тинчини, хотиржамлигини бузиш эса кишини эл-юрт олдида юзшувут қилади.

Я.ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Яккабоғ тумани судининг раиси
Ғози РАҲМОН,
журналист

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-418. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6850.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰